Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 23 апрель
СЕШАНБА
№ 77 (5.119)
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

В. И. Ленин туғилганига 121 йил тўлган 22 апрель куни минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари унинг мавзолейини зиёрат қилдилар. Совет давлати асосчисининг даҳмасига СССР Олий Совети, КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат комиссиясидан гулчамбарлар қўйилди.

Гулчамбарларни қўйиш маросимида М. С. Горбачев, Г. И. Янаев, А. И. Лукьянов, В. С. Павлов, В. А. Ивашко, бошқа давлат ва партия раҳбарлари, халқ депутатлари, КПСС фахрийлари қатнашдилар.

РСФСР Компартияси Марказий Комитетидан, КПСС Москва шаҳар ва Москва вилоят комитетларидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

* * *

22 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонида инқилоб доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси ҳайкали пойига тантанали равишда гуллар қўйилди.

Ҳайкал пойига саватдаги гуллар Ўзбекистон ССР Президенти номидан ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Кенгаши, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси номидан қўйилди.

Партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Тошкент вилоят ва шаҳар партия комитетлари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ҳам доҳий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

В. И. Ленин ҳайкали пойига қўйиш учун корхоналар ва ташкилотлар меҳнат жамоалари гуллар келтиришди.

Гул қўйиш маросимида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий тафтиш комиссияси раёсатининг, республика ҳукуматининг аъзолари иштирок этдилар.

МАҚСАД—ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР давлат делегациясининг Туркманистонга қилган ташрифи ниҳоясига етди.

Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек иккала жумҳуриятнинг ҳукуматлари ўртасида 1992—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланганлиги ташрифнинг асосий якуни бўлди.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов имзоладилар.

Яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзловчи йўл халқларимизни янада жипслаштиради, маҳаллий социалистик бирлашувни ривожлантириш учун янги уфқлар очади. Халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги, чинакам дўстлиги кўп миллатли федератив давлатимиз, барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг куч-қудрат чашмаси эканига бизнинг ишончимиз комил, деди Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов.

Шартномани имзолаш пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

Жумҳуриятларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, ҳукуматлараро битим бебаҳо тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ҳам Ўзбекистоннинг, ҳам Туркманистоннинг истиқболни кўзловчи асл манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида

ШАРТНОМА

Қуйидаги олий аҳдлашувчи томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикаси:

халқларнинг дўстлик ва тотувликда яшашга, мустақил давлатларнинг янгиланган иттифоқини ихтиёрий асосда тузиш ва ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишга бўлган хоҳиш-иродаси ва интилишини ифода этиб, ўзбек халқи ва туркман халқининг тарихий яқинлиги ҳамда қардошлик алоқаларига асосланиб, давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасини ва бу ўзаро муносабатларга янги омил бахш этиш зарурлигини ҳисобга олиб;

ўз муносабатларини Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси принципларини ўзаро эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилиш, икки республика халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат ажралмас ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик, чегараларнинг бир бутунлиги ва бузилмаслиги, куч ишлатишдан, тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий ва бошқа усулларини қўллашдан воз кечиш, бахсли муаммоларни муросага келтирувчи чора-тадбирлар ёрдамида тартибга солиш, халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилган бошқа принциплари ва нормалари асосида ривожлантиришни кўзлаб;

халқларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий тараққиёти, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, умумий хавфсизликни таъминлаш манфаатлари йўлида томонлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилиб;

инсон ҳуқуқлари соҳасида умум эътироф этган халқаро нормаларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммаларига олиб, қуйидаги битимга келдилар:

1-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар бир-бирларини янгиланган иттифоқ (федерация) таркибидаги мустақил давлат деб эътироф этадилар ва бошқа томоннинг давлат мустақиллигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар қилмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

2-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида тўла ҳокимиятга эга бўлади, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш, ўзининг ривожланишига тааллуқли барча масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқларини эътироф этади, ўз ҳудудида яшаётган бошқа аҳдлашувчи томон фуқароларининг миллати, дини ёки бошқа тафовутларидан қатъи назар, уларнинг фуқароликка доир, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини умумиэсоний ва миллий қадриятларни мужассамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича барча эътироф этган халқаро нормаларга мувофиқ кафолатлайди.

Томонлардан бирида истиқомат қилиб турган шахсларнинг бошқа томон фуқаролигини олишига доир масалалар томонларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларини ҳисобга олган ҳолда тегишли битишув йўли билан тартибга солинади. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш масаласи махсус битимлар билан тартибга солинади.

3-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳудудий бир бутунлигини ва Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг ҳудудий бир бутунлигини эътироф этадилар ҳамда ҳурмат қиладилар. СССР доирасида ўз ўрталарида таркиб топган давлат чегараларини ўзгармас деб ҳисоблайдилар, бу чегаралар томонларнинг розилигисиз кимнингдир хоҳишига кўра ўзгартирилиши мумкин эмас. Томонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарларининг Олмаота шартномасида ўз тасдиғини топган чегараларнинг даҳлсизлигига қатъий риоя қилиш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

Томонлар миллий ҳудбинлик ва миллий муросасизликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайдилар, миллатлараро муносабатларда экстремизмнинг олдини олиш ва уни таг-туби билан йўқ қилиш учун, миллатлараро можаролар ва халқларнинг ҳуқуқларини чеклашга бўлган уринишларга йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар, миллатлараро муносабатларда пайдо бўладиган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммолар фақат сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этилишини кафолатлайдилар.

4-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумий Декларацияси ва халқаро битимларда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари устунлигини эътироф этиб, барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, Туркманистон Совет Социалистик Республикасида яшовчи ўзбекларнинг, бошқа миллат вакилларининг, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида яшовчи туркманларнинг, бошқа миллат вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиши имкониятларини, виждон эркинлиги ва бошқа сиёсий ҳамда шахсий эркинликларини кафолатлайдилар.

Томонлар давлат ва жамоат ташкилотлари даражасидаги, миллий маданият марказлари, ижодий ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг турли шаклларидан, оммавий-ахборот воситаларидан янада самарали фойдаланиш, шу жумладан Туркманистонда яшаётган ўзбекларда ва Ўзбекистонда яшаётган туркманлар учун телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни кенгайтириш орқали иккала республика халқларининг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини тарғиб қилишнинг савиясини ошириш лозим, деб ҳисоблайдилар. Республикаларда маданият кунлари, декадалар ўтказишни, ижодий жамоаларнинг ўзаро алоқаларини кенгроқ йўлга қўйиш керак.

5-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида ўзбек халқининг ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида туркман халқининг ўз она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятини, тарихий қадриятлари ва маданият ёдгорликлари муҳофаза қилинишини ҳамда уларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлинишини кафолатлайдилар.

Томонлар ўз ҳудудларида яшовчи миллий ларнинг миллий таркибини ҳисобга олган дан ўзига хослиги сақлаб қолиниши ҳамда гуруҳларнинг этник, маданий ва тил жиҳатидан ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарув идоравнақ топишига кўмаклашадилар, минтақаларининг турли даражаларида миллий гуруҳларнинг вакиллари бўлишини таъминлайдилар.

(Давоми 2-бетда).

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

АШХОБОД. (ЎзТАГ махсус мухбири). Туркманистонда Алишер Навоий кунлари тантанали очилиши олдидан икки қардош жумҳурият президентлари И. А. Каримов билан С. А. Ниёзов туркман адабиётининг мумтози Махтумқули ҳайкали пойига гуллар қўйишди ва бу маросим ўзига хос рамзий маъно касб этди. Зотан Навоий билан Махтумқули номлари икки халққа бирдек яқин ва азиздир.

Буюк ўзбек шоирининг адабий ва инсонпарварлик анъаналари қўплаб туриман шоирлари, носирлари, файласуфлари ижодига катта таъсир кўрсатди. Бу эса узоқ ўтмишда вужудга келган мустаҳкам дўстлик ришталарининг яна бир ёрқин далилидир.

Навоий кунлари тантанали очилишида сўзга чиққан Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов ва Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов икки жумҳурият давлат делегацияларининг учрашувлари ҳамда муҳим ҳужжатлар — дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши яхши қўшничилик муносабатларига янги омил бағишлаганини таъкидладилар. Ашхободда имзоланган ҳужжатлар биргаликдаги фаолиятнинг асосий йўналишларида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш ва куч-ғайратларни мувофиқлаштиришдек вазифаларни ҳал этишга имконият яратади.

Туркманистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси, Туркманистон ССР халқ ёзувчиси Б. Худойназаров ва Ўзбекистон Фанлар академияси қўлёзмалар илмгоҳининг директори А. П. Қаюмов Навоий ижоди ҳақида сўзладилар.

Тўпланганлар икки буюк шоир — Алишер Навоий ва Махтумқулининг саҳнада пайдо бўлишини узоқ давом этган қарсаклар билан олқишладилар. Алишер Навоий қиёфасини Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати Ё. Аҳмедов ва Махтумқули қиёфасини Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Туркманистон ССР Махтумқули номли давлат мукофотининг совриндори А. Бердиев томошабинлар кўз ўнгида гавдалантирдилар. Ана шу ажойиб шоирлар ва файласуфлар қалами билан яратилган тинчлик ва дўстлик ҳақидаги шеърий мисралар неча асрлар оша бизгача етиб келди.

Тантанали кеча Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

Туркманистонда давом этаётган Алишер Навоий кунларида Ўзбекистон ёзувчилари билан учрашувлар бўлади, шеърият кечалари ўтказилади, кўргазмалар очилади.

ХАРИДОР ДАЛАГА КЕЛСИН

Қайта қуриш шарофати билан пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Давлат ва жамоа хўжаликларида аҳоли эҳтиёжи тобора ортиб бораётган сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга, боғ ва токзорлар барпо этишга эътибор кучайтирилди. Бироқ бу борада деҳқонларимиз қатор муаммоларга дуч келганликлари сир эмас. Соҳибкору боғбонларимиз етиштирган маҳсулотларини қабул пунктларига вақтида топширолмай азият чекишди. Машаққатли меҳнат маҳсули — ҳосилнинг бир қисми уларнинг кўз ўнгида нобуд бўлмоқда. Бу хўжаликка ҳам, меҳнаткашлар чўнтагига ҳам зарар келтиради.

Бундан икки йил муқаддам ана шундай кўнгилсиз аҳволга барҳам бериш мақсадида хўжалигимиз ҳудудида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехи очишга қарор қилдик. Колхозимизда бундай маҳсулотлар кўп етиштирилади. Даромаддан эса кўнгил тўлмайди. Ҳисоблаб чиқдик. Хўжалик ўз маҳсулотини қайта ишлаб савдога чиқарса, бир неча баравар зиёд фойда олиши мумкин экан. Бир килограмм олмага давлат 30—35 тийин ҳақ тўлайди. Агар уни қайта ишлаб компотга айлантирилса, нархи 5 сўмни ташкил этади.

Бу йўл хўжаликка маъқул тушди. Эски омбор биноси қайта таъмирланиб, механизмлар ўрнатилди. Хўжалик меҳнаткашлари Андижон консерва заводида ишлаб тажриба орттирган Имомжон Раҳимовни бир овоздан кичик корхона бошлиғи этиб тайинладилар.

Дастлабки йил цехда олти хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йили эса кичик корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ва тури янада ортди. Қирқ кишидан иборат аҳил жамоа 107 тонна мева ва сабзавот маҳсулотни қайта ишлаб, 200 минг сўм даромад қилишди. Унинг 85 минг сўми соф фойдадир.

Хўжалигимизда қайта ишланаётган маҳсулотларни арзон моллар билан айрибошлаш йўлга қўйилди. Ҳозирда Свердловск, Кемерово шаҳарлари билан шартнома асосида ишлаяпмиз. Биз уларга консерва жўнатамиз. Улар эса бизни қурилиш материаллари ҳамда газ қувурлари билан таъминлашаяпти. Бундан кейин ҳам иқтисодий алоқаларимиз давом эттирилади. Цехимизнинг фойдасини кўриб турибмиз. Келгусида уни заводга айлантириш, тамат ишлаб чиқариш кўзда тутилаяпти.

Шу ўринда мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Хўжалигимизда 82 гектар боғ мавжуд. Шундан 42 гектари ҳосил беради. 13 гектарли узумзоримиз бор. 67 гектар майдонда эса сабзавот етиштирилади. Бир йилда 1.600 тонна маҳсулот йиғиштириб олинади. Давлат режаси бўйича 1.400 тоннаси қабул пунктларига топширилади. Қолган 200 тонна маҳсулотни ўз цехимизда қайта ишлаш ҳуқуқига эгамиз. Тасаввур қилиб кўринг, 1.400 тонна маҳсулот ҳам ўзимизда қайта ишлаб чиқарилса қанча қўшимча даромад олишимиз мумкин.

Бир-икки йил мобайнида 40 гектарга яқин янги боғ ҳам ҳосилга киради. Бунинг ҳисобига режа яна оширилиши турган гап. Шуниси ачинарлики, ўзимизда имконият бўла туриб, ҳар йили ёзда маҳсулотни даладан тўғри Андижон заводига ташиймиз. Жўнатилган помидорларимизни 3—4 кунлаб топширолмай сарсон бўлаяпмиз. Бу қайси мантиққа тўғри келади?

Деҳқонга мустақиллик, эркинлик берилди, деган гап-сўзлар кунора қулоққа чалинади. Бироқ унинг тўла мустақилликка эга эмаслиги амалда яққол кўзга ташланаяпти. Сув бўйида сувга зор, деганлари шу эмасми? Ўзимизда имконият бўла туриб кўриладиган фойдадан маҳруммиз. Юқори режалаштириш идораларининг раҳбарлари бу ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари зарур.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ,
Олтинқўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бош агрономи.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПОЙАРИҚ

Крупская номли жамоа хўжалигида ерга барака уруғи қадаш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. 15 та экиш агрегати билан кунига 130—150 гектардан знёд майдонга чигит экилаётир. Шавқиддин Назаров, Аслиддин Товбоев, Ғайбулло Назаров, Рустам Олтибоев, Шукур Тўрабеков сингари механизатор ва сеялкачилар мавсумни тез ва соз ўтказиш иштиёқида кунлик топшириқларни бир ярим ҳиссадан ошириб бажармоқдалар.

С. ХОЛИҚУЛОВ.

БЎКА

Район пахтакорларининг бу йилги шашти ўзгача. Катта режаларни кўзлаб меҳнат қилаётган заршунослар чигит экишни вилоятда биринчилар қатори тугалладилар. Дала меҳнаткашларига барча қулайликлар яратиб берилганлиги ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиши мавсумни тез ва соз якунлашда қўл келди. «Коммунизм», «Партия XIX съезди», Жамбул номли, Мичурин номли, Ильич номли жамоа хўжаликларининг деҳқонлари сурьатга қанот бағишлашди.

Механизатор ва сеялкачилар об-ҳавонинг очиқ келган ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, ўн иш кунида ерга барака уруғини қададилар. Айни дамда дастлаб уруғ тушган пайкалардаги бир текис униб чиққан ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

Т. ҲАЙДАРОВ.

ДЕҲҚОН ТОРТИҒИ

Тошкент шаҳри аҳолиси учун Польша жумҳуриятидан 10 минг тонна сифатли картошка келтириш режалаштирилган. Шундан 2 минг тоннаси ҳозирдаёқ вагонлардан тушириб олиниб, сабзавот дўконларида сотила бошлади.

Шаҳар аҳолисини бошқа сабзавотлар билан таъминлаш ишлари ҳам жадаллаштирилмоқда. Биргина апрель ойининг ўзида минг тонна сабзавот, шу жумладан 350 тонна бодринг, 100 тонна сабзи, 450 тонна редиска ва бошқа қўкатлар сотилди.

— Дўконларимизга кирган харидорларнинг рўзғор халталари тўлиб кетсин, — дейди шаҳар кооператив агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Ж. Абдусаломов. — Хўжаликлар даласидан келаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу борада Оржоникидзе ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ибрат бўлмоқда. Мазкур хўжалик шу кунга қадар шаҳар аҳолисига юз тоннадан ортиқ турли сабзавот ва кўкат етказиб берди. Харидорлар маҳсулотларни тез ва соз харид қилишлари учун шароит яратилмоқда. Юзга яқин кўчма дўкон аҳоли зич яшайдиган жойларда савдо қилмоқда. Май ойида эса ана шундай дўконлар сони 400 тага етади.

Бизда картошка нархи бозордагидан анча арзон: килоси 60 тийин. Бирлашма омборларида чет элдан келтириладиганини ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами картошка 16 минг тоннани ташкил этади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ангор районидаги «Ангор» сабзавотчилик давлат хўжалиги деҳқонлари 20 гектар майдонда плёнка остида эртаги карам етиштирдилар. Ҳосилнинг дастлабки тоннаси Тошкент шаҳри аҳолисига жўнатилди. Байрам арафасида бундай сервитамин маҳсулотни хўжалик билан шартнома тузган Иркутск, Свердловск вилоятлари ҳамда Хабаровск ўлкаси аҳолиси ҳам оладилар.

СУРАТДА: сабзавоткорлар Қ. Пирматов, Ч. Қўшонов, Тошкентдаги «Осиё» фирмаси тайёрловчиси А. Ўсмонов ва совхоз ишчиси Ҳ. Раҳимов жўнатилаётган карам ҳосили сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. ХУЖАЕВ олган сурат.

ШОЛИКОРЛАР АҲДИ

Ал Хоразмий номли давлат хўжалигининг ишчилари умумхалқ ҳашарини ўтказдилар. Улар меҳнат байрами кунида янги мевазор боғ яратдилар. Бошқа ишлар ҳам кўнгилдагидек бормоқда.

Давлат хўжалигининг бир ярим мингга яқин меҳнаткаши ҳашарга ўз ҳиссасини қўшди. Ишчилар ишлаб топилган маблағнинг ҳаммасини Хоразм вилоятини ривожлантириш жамғармасига ўтказишга якдиллик билан қарор қилдилар.

ПИЛЛА ҚУРТИ ПАРВАРИШЛАНМОҚДА

Пахтачи районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пиллакорлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб 362 қути ипак қурти уруғини парваришлай бошладилар. Хўжаликда бу йил жами 23 тонна 300 килограмм пилла олиш учун замин ҳозирланмоқда. Бу ерда оилавий звеноларнинг асосида иш олиб борилаётганлиги меҳнат муваффақиятини таъминламоқда.

Вилоятдаги бошқа хўжаликларда ҳам пилла қурти уруғи боқишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят бўйича жами 5162 қути ипак қуртидан 291 тонна хом ашё тайёрлаш режалаштирилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида

ШАРТНОМА

(Боши 1-бетда).

6-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар (эҳтиёжга қараб) ўзбек ва туркман тилларида таълим бериладиган қўшимча ўқув гуруҳлари, синфлар, мактаблар очиш, Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва техникумларига туркманистонлик ёшларни, Туркманистон олий ўқув юртлари ва техникумларига ўзбекистонлик ёшларни таълим бериш учун қабул қилишни кенгайтириш, ўзбек ва туркман тилларини, адабиётларини ўрганиш имкониятларини кенгайтириш учун фанлар академиялари илмий-тадқиқот институтларининг таркибида илмий бўлинмалар ташкил этиш ўзбек ва туркман халқининг янада яқинлашувига, уларнинг маданияти бирбирини бойитишига кўмаклашган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

7-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз халқлари ва давлатларининг сиёсат, иқтисод, маданият, соғлиқни сақлаш, экология, фан ва техника, савдо-сотиқ, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантира борадилар, бу соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида тегишли битимлар тузадилар, кенг миқёсда ахборот алмашишга кўмаклашадилар, ўзаро мажбуриятларга виждонан ва сўзсиз риоя этадилар.

Томонлар вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлар даражасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликнинг хилма-хил шаклларини қарор топтиришга, хўжалик, маданият ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар ва идоралар ўртасида бевосита кенг алоқалар ўрнатишга интиладилар.

8-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ҳар бирининг мулкчилик ва хўжалик юритиш усулларини мустақил белгилаш ҳамда тартибга солиш, ижтимоий адолат ва муҳофаза асосларини рўёбга чиқариш ҳуқуқини эътироф этадилар.

Бир томоннинг бошқа томон ҳудудида жойлашган давлат мулкининг, юридик шахслари ва фуқаролари мулкининг ҳуқуқий режими тегишли битимлар билан тартибга солинади.

9-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар тенг ҳуқуқлилик асосида, шу жумладан, умумий мувофиқлаштирувчи институтлар орқали амалга ошириладиган ўз ҳамкорликлари доирасида:

— инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

— ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— чет элларда миллий кадрлар тайёрлашда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— умумиттифоқ бозорини ва республикаларароб бозорни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда, бож сиёсати соҳасида ҳамкорлик қилиш;

— энергетика, транспорт, информатика, алоқа системаларини, шу жумладан, ер йўлдошлари орқали алоқалар ва телекоммуникацияларни ривожлантириш ҳамда бошқариш;

— саноат ишлаб чиқариши структураларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги маҳсулотларни ўзаро манфаатли алмашувни амалга ошириш, биргаликдаги корхоналар барпо этиш;

— темир йўл, автомобиль йўллари ва бошқа қатнов йўли шаҳобчаларини кенгайтириш;

— инвестиция сиёсати ўтказиш ва қурилиш базасини ривожлантириш;

— қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат билан таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

— иккала томоннинг халқ хўжалиги манфаатлари йўлида сув ва бошқа ресурслардан биргаликда фойдаланиш;

— экология ва сейсмология соҳасида кучғайратларни бирлаштириш, ягона экология хавфсизлиги системасини яратишда иштирок этиш, фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

— Оролнинг экология системасини тиклашда, бу минтақада яшовчи аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашда иқтисодий, ташкилий, техникавий ва ўзга йўсинда ҳамкорлик қилиш;

— меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва миграция сиёсати;

— жиноятчиликка қарши кураш масалаларини киришини эътироф этадилар.

Олий аҳдлашувчи томонлар ана шу ва томонларнинг бошқа муштарак манфаатларини рўёбга чиқарадиган мувофиқлаштирувчи умумий институтлар давлатлар ўртасидаги шартномалар ва ҳукуматлараро битимлар асосида ташкил этилиши мумкинлиги хусусида келишиб олдилар.

10-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг иқтисодий муносабатлари:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари;

— маҳаллий бошқарув идоралари;

— банклар ва молия системаси;

— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклларига асосланган, шу жумладан, биргаликдаги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасалар;

— якка тартибда иш кўрувчи тадбиркорлар даражасида бевосита алоқаларнинг, иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларининг, фан ва техникага оид муносабатларнинг устун даражада равнақ топишини таъминлашга қаратилган битимлар орқали тартибга солинади.

Томонлар хўжаликлараро муносабатлар, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, ўзаро савдо-сотиқ, барча турдаги алоқа ҳамда ташишга оид аниқ механизмлар, шунингдек иқтисодий ва ахборотлар айирбошлашга доир ҳамкорлик масалалари ҳукуматлараро битимлар орқали тартибга солиниши хусусида келишиб олдилар. Томонлар бир-бирларига зиён етказиши мумкин бўлган, издан чиқарувчи иқтисодий чоралар қўлламайдилар.

11-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар, ўзаро маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш, тўловлар, нарх-наволар ҳамда қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисида, шунингдек жаҳондаги нарх-наволар даражасига мослаша борган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиш муддатлари ҳақида ҳукуматлараро битимлар тузадилар. Бу ҳали битимларнинг тугал рўйҳати эмас.

12-модда.

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудларидаги ҳаво портлари, темирйўллар ва автомобиль йўллари, денгиз ва дарё йўллари шохобчалари ҳамда магистраль қувурлар орқали юкларнинг транзит ҳаракатини таъминлайдилар.

Транзит ҳаракатини таъминлашнинг шартлари ва тартиби томонларнинг махсус битимлари билан белгиланади.

13-модда.

Ушбу шартнома моддаларини шарҳлаш ва изоҳлашга доир баҳслар музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим.

14-модда

Ушбу шартнома олий аҳдлашувчи томонларнинг учинчи давлатларга нисбатан олган мажбуриятларига ва улар билан шартномалар тузиш ҳуқуқларига дахл қилмайди.

Ушбу шартнома учинчи томонларга қарши қаратилмаган.

15-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Олий Кенгашларнинг делегациялари, шунингдек, Президентларнинг шахсий вакиллари даражасида ушбу шартноманинг ижросига доир масалалар бўйича мунтазам равишда икки томонлама машваратлар ва музокаралар ўтказиб турадилар.

16-модда

Ушбу шартнома ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Тошкент шаҳрида айирбош қилинади.

Ушбу шартнома ратификация ёрлиқлари айирбош қилинган куни кучга киради.

17-модда

Ушбу шартнома ўн йил муддатга тузилади.

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома ёки унинг айрим моддалари амал қилишда давом этишининг қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида машваратлар доирасида музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Олий аҳдлашувчи томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу шартноманинг қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Башарти, томонлардан ҳеч бири шартномани бекор қилиш истагини шартнома муддати тугашидан камида олти ой олдин ёзма равишда баён этмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги ўн йиллик муддатга узайтирилади.

1991 йил 21 апрель куни Ашхобод шаҳрида икки нусхада ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди. Бунда уччала матннинг ҳаммаси ҳам бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Туркманистон Совет Социалистик Республикаси номидан Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти С. НИЁЗОВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида 1992-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида

БИТИМ

Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ҳукумати билан Туркманистон Совет Социалистик жумҳурияти ҳукумати, бундан кейин томонлар деб аталади, иқтисодий мустақиллик, тенгҳуқуқлиги ва анъанавий дўстона қўшничилик муносабатлари принципларига асосланиб, 1991 йилги иқтисодий битимнинг ижобий аҳамиятини ҳисобга олиб, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва янада ривожлантириш мақсадида ушбу ҳукуматлараро битимни тузишга қарор қилдилар:

1-МОДДА

Томонлар бошқариладиган бозор иқтисодиёти структураси ва механизмини шакллантириш борасидаги куч-ғайратларини иқтисодий интеграцияга доир умумий стратегия асосида бирлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2-МОДДА

Томонлар ўзаро муносабатларни корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳудудий ёки давлат бошқаруви идоралари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида ўзларининг ваколатлари доирасида тузиладиган тегишли шартномалар, битимлар ёки протоколлар асосида амалга оширишга келишиб олдилар.

3-МОДДА

Томонлар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида бир-бирларига хом-ашё, маҳсулотлар, халқ истеъмоли моллари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича бевосита хўжалик алоқаларини бозор муносабатларига ўтишни ҳисобга олиб сақлаб қолинишига, ўрнатилишига ва кенгайтирилишига, шунингдек, шартномалар ва алоҳида қабул қилинган буюртмалар бўйича тўлиқ етказиб берилмаган маҳсулотлар ўрнини қоплаш ишига ёрдам берадилар.

4-МОДДА

Томонлар жумҳуриятлар ҳудудида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, мулкий шаклидан ва қайси идорага тобелигидан қатъи назар, ҳамкорликни амалга оширишда қатнашишлари мумкин. Томонлар рози бўлишган тақдирда ҳамкорликда жумҳуриятлардан ташқарида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, хорижий иштирокчилар ҳам қатнашишлари мумкин.

5-МОДДА

Томонлар етказиб берилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларда амалдаги прейскурантлар ва шартномавий нархлардан (сўмда) фойдаланадилар. Томонлар бир-бирларига иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар қилмайдилар.

6-МОДДА

Томонлар Оролбўйи аҳолиси турмушининг ижтимоий-иқтисодий, санитария-эпидемиология ва экология шарт-шароитларини тўбдан ўзгартириш бўйича 1991—1995 йилларга ва 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли иттифоқ-жумҳурият дастурининг амалга оширилишида куч-ғайратларини бирлаштиришга ва фаол иштирок этишга келишиб олдилар.

7-МОДДА

Томонлар Амударёдан оқадиган сувни тенг ҳуқуқли асосда баравар улушда (Керки сув ўлчаш пости орқали) тақсимлаш масалаларини ҳал этиш зарур деб топиб, биргаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, жумҳуриятлараро коллекторларни таъмирлаш ва эксплуатация қилиш, суғориш системаларидан фойдаланиш, ўз ҳудудларида вужудга келадиган оқава сувларни Амударёга ташланишига йўл қўймаслик мақсадида сув ташланадиган иншоотлар, шунингдек коллектор-зовурлар тармоқлари қуришга доир техник масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўришга келишиб олдилар.

8-МОДДА

Томонлар бир-бирларига маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун барча транспорт турлари ишларини мувофиқлаштириб турилишини таъминлашга келишиб олдилар.

9-МОДДА

Томонлар жумҳуриятлар халқ хўжалик комплексларини ривожлантиришга доир йирик регионал масалаларни ҳал этишда иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида:

«Сеиди-Тахиятош» юқори вольтли электр узатиш линияси (ЛЭП-500) ва «Тежен-Сарахс — ССЖнинг жанубий чегараси» темир йўли қурилишини биргаликда амалга оширишни;

Туркманистон ССЖдан олтингугуртли газ етказиб берилишини назарда тутиб, Муборак газни қайта ишлаш заводи базасида қўшма корхона ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқишни;

Каспий денгизи бандаргоҳларидан ташқи бозорга чиқиш мақсадида биргаликда фойдаланиш (зарур ҳолларда уларни таъмирлаш) масаласини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

10-МОДДА

Томонлар 1992—1995 йилларда Ўзбекистон ССЖ ва Туркманистон ССЖ олий ўқув юртларида ўзбек ва туркман тилларида таълим оладиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш миқдорини белгилаб олишга келишиб олдилар. Айни вақтда 1992 йилдан эътиборан Туркманистон ССЖнинг ўзбек тилидаги мактаблари учун педагог кадрларни, шунингдек тегишли бошқарув идоралари ўртасидаги шартномалар ва протоколлар асосида бошқа ихтисосдаги кадрларни ўқишга мақсадли қабул қилиш ва тайёрлашга қарор қилдилар.

Ўзбек ва туркман тилларида ўқитиладиган мактаб ҳамда ҳунар-техника билим юртларини оқилона тақсимлаш масалаларини таҳлил қилиб чиқиш ва зарур бўлганда эса улар тармоғини қайта ташкил этиш, ҳудудларнинг этник-маданий ва нуфусий хусусиятларини ҳисобга олиб янги мактаблар барпо этиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ деб топдилар.

11-МОДДА

Томонлар Каспий денгизи соҳилларида аҳолининг дам олиши учун тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида 1992—1995 йилларда вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар пайчилиги асосида биргаликда фойдаланиладиган дам олиш манзиллари қуришни назарда тутишга келишиб олдилар.

12-МОДДА

Томонлар маданият кунлари, театр санъати фестиваллари, машшоқлар ва ҳофизлар кўриклари, китоб кўргазмалари ўтказиш тажрибасини тиклашга, шунингдек теле ва радио программалар алмашишни кенгайтиришга ҳамда тўғри эфирда радио ва телекўприклар ташкил этишни таъминлашга шартлашиб олдилар.

13-МОДДА

Томонлар ҳар йили, келишилган муддатда жумҳуриятлараро маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва структурасини холисона кўриб чиқиб, тасдиқлашни ва бунда уларнинг янада ривожланиш истиқболларини, ўзаро манфаатларни ва шерикчиликнинг тенг асосда бўлишини ҳисобга олишни зарур деб топдилар.

14-МОДДА

Томонлар Ўзбекистон ССЖ билан Туркманистон ССЖнинг ўзаро маҳсулот етказиб бериш бўйича олган мажбуриятларига амал қилишлари учун тўла масъулдирлар ва биргаликда хўжалик субъектларининг уларнинг манфаатларини камситишга қаратилган ҳар қандай уринишларини бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Томонлар мазкур битимнинг ижроси тўғрисида бир-бирларига вақти-вақти билан маълумот бериб туришга келишиб олдилар.

15-МОДДА

Мазкур битим имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва томонлардан бири жорий календарь йили тугашидан уч ой муқаддам уни ўзгартириш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида истак билдирмагунга қадар кучда бўлади.

1991 йил 21 апрелда Ашхобод шаҳрида барча матнлари тенг кучга эга бўлган иккитадан нусхада: ўзбек, туркман ва рус тилларида имзоланди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Туркманистон Совет Социалистик Республикаси номидан Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти С. НИЁЗОВ.

ЛЕНИНГА ЯНГИ ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

ЯНГИБОЗОР. (ЎзТАГ мухбири П. Нишонов). 21 апрель куни бу ердаги марказий майдонга қўлларида баҳор чечакларини кутариб олган уруш ва меҳнат фахрийлари, бўйинларига алвон галстуклар боғлаган пионер-ўқувчилар ҳамда ноҳия меҳнаткашлари йиғила бошлади. Ноҳия коммунистлари шанбаликларда ишлаб топилган маблағ ҳисобига пролетариат доҳийсига янги ҳайкал ўрнатишга аҳд қилган эдилар. В. И. Ленин туғилган кунинг 121 йиллиги арафасида бу ерда бўйи 3 метрли ҳайкал қад кўтарди.

Шу маросимга бағишланган митингни Коммунистик район партия қўмитасининг биринчи котиби М. М. Маҳмудов очди. В. И. Ленин, — деди у, —XX аср бошидаги энг йирик сиймолардан биридир. Фикрлар хилма-хиллиги ҳукм сураётган ҳозирги даврда баъзилар ўтмишда йўл қўйилган хатоларнинг сабабини марксизмдан, ленинизмдан изламоқдалар. Аслида шундаймикин? Ҳамма иллат Ленин асарларини яхши ўрганмаганлигимизда, унга қатъий амал қилмай қўйганимизда, деб ўйлайман.

Бугунги кунда биз қироатчиликдан покланиб, Ленин таълимотига янгидан назар солмоқдамиз. Зероки, доҳий ҳам ўз фаолиятига ҳамиша танқидий кўз билан қарар эди...

Оппоқ чодир туширилади, Ильичнинг бронзадан ишланган улкан ҳайкали тонг қуёши ёғдуларида жилоланио, майдонга янгича файз бахш этади.

Ҳайкал очилиши маросимида Тошкент вилояти партия қўмитаси котиби Ш. И. Жалилов ҳамда район партия қўмитаси бюро аъзолари қатнашдилар. Ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Шундан кейин партия фахрийлари — Бозор Улуғхўжаев ҳамда Абдулла Ҳойхўжаевларга «КПСС сафида 50 йил» кўкрак нишони, олти нафар ёш коммунистга эса партия билетлари топширилди.

Фахрийлар—тартиб ва осойишталик тарафдори

Фақат тинчлик ва осойишталик, ижтимоий-сиёсий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги тартиб мамлакатни юз берган тангликдан олиб чиқишда ёрдам беради. Бу ишда жойлардаги партия органлари жиддий ишлаштирувчи катта роль ўйнашлари мумкин. Партия сафларида 50 йил ва ундан кўпроқ йил бўлган партия фахрийларининг учрашувида шу ҳақда гапирилди. Учрашув В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллиги арафасида республика фахрийлар кенгашида бўлиб ўтди, учрашувни кенгаш раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Совет жамияти тақдирга даҳлдор ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибди, бу ўзгаришлар мамлакатни тангликдан олиб чиқиши керак деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар. Шу билан бир вақтда Ватанимизнинг тарихий ўтмиши, партия ва Владимир Ильич Ленинга нисбатан ашаддий тухматдан кўз юмиб бўлмайди. Шу кунларда биз Ильич туғилган куннинг 121 йиллигини нишонлаяпмиз. Мамлакатимизни вайрон қилишга уринаётган сиёсатчиларни қатъий фош этиш, Ленин номига доғ туширишга уринаётганларни қоралаш керак. Партия фахрийлари партия ва давлат идораларига сафсатабозлик билан қўпол тазйиқ ўтказишга уринаётган шовинистик оқимлар ва уларнинг раҳбарлари йўлига ғов солишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисобламоқдалар.

Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари Бутуниттифоқ кенгашига мурожаатнома қабул қилдилар, унда ССР Иттифоқини мустаҳкамлаш, ҳар қандай сафсатабозлар ва сотқинларга қарши, партия билан В. И. Ленин номига доғ туширишга қарши қатъий курашиш лозимлиги тўғрисида гап боради.

В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллиги шарафига учрашув қатнашчиларига фахрийлар жумҳурият кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

АНЪАНАЛАРНИНГ ҚЎШИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮЗ МИНГЛАБ АҲОЛИСИ 20 АПРЕЛЬ КУНИ УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ЧИҚДИ

Жумҳуриятда бу йилги апрель аввалгиларига ўхшамади. Анъанавий ленинча шанбаликка дабдабали тайёргарлик кўрилмади, турли-туман ишлар ярим тунгача мажлис қилиб режалар тузмади. Фалон жамоа чошгоҳгача смена нормасини бажариб бўлганлиги тўғрисидаги зафар маълумотлари ҳам бўлмади.

Ленининг номини сиқалаштириб юборган сохта ва ялтироқ ғайрат-шижоатлар, чамаси, энди такрорланмас.

Ҳар ҳолда, апрель ойида бир кун В. И. Ленин хотирасига шанбалик ўтказиш анъанаси Ўзбекистонда халқ ҳашарига уйғунлашиб кетди. Юз минглаб ўзбекистонликлар ўтган шанба куни ихтиёрий равишда ҳашарга чиқио, дўстига, қўшнисига сидқидилдан ёрдамлашди...

Ўтган меҳнат байрами куни жумҳуриятда ўртага қўйилган вазифаларнинг узи ҳам аввалгиларидан бошқача эди. Ишлаб топилган ўн миллионлаб сўм маблағни саноат корхоналари, қурилишларнинг ишчилари, колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари қандайдир мавҳум Бутуниттифоқ шанбалик ҳисобига ўтказишмади, балки хайрия мақсадларига, меҳр-мурувват жамғармаларига топширишди. Пулнинг анчагина қисми меҳнат жамоаларининг ўзида қолди. Чунки нарх-навонинг кескин кўтарилиши ҳаммага ҳам таъсир қилди. Шу сабабли кўпгина коллективлар 20 апрелдаги меҳнат эвазига олинган маблағнинг ишчиларнинг ошхоналаридаги тушлик овқатга қўшимча тарзда тўламоқдалар, шаҳар транспортида юриш ҳақи ошганлиги учун компенсация тарзида бермоқдалар.

— Корхонамиз меҳнатчилари ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда серунум меҳнатгина кескинликни оир мунча камайтириши, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш мумкинлигини жуда яхши тушуниб турибдилар, — дейди «Янгийўл» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. Сафу. — Ҳашарда зўр ғайрат билан ишладик. Болаларга аталган ва юмшоқ мебелдан бир неча ўн йўғмасини ишлаб чиқардик. Бунинг эвазига олинадиган маблағ ишчиларимизга компенсация тўлашга, йиғилиб қолган ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишга ишлатилади.

Ўзбекистон мебелчилари каби халқ хўжалиги комплекси бошқа тармоқларининг вакиллари ҳам ҳозир хом ашё ва материаллар етишмаслигидан қийналмоқдалар. Шунга қарамай, жойларда умумхалқ ҳашари куни маҳсулот ишлаб чиқариш учун имкониятлар қидириб топилди. Масалан, Тошкент «Компрессор» заводи ишлаб чиқараётган камёб маҳсулот мамлакатнинг барча жумҳуриятларига ва кўпгина чет мамлакатларга ҳам юборилмоқда. 20 апрель шанба куни бу ерда 750 киши ишга чиқди. Улар 21 та компрессор тайёрлашди, саккиз минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришди.

Совет-Италия қўшма корхонаси — «Совпластитал» ходимлари ва «Ўзбекгидроэнергострой» бош пудратчи трестининг жамоаси учун ўтган шанба куни самарали кун бўлди. Қўшма корхона ходимлари санитария-техника асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган ноёб техникани созлаш билан шуғулландилар. Трест жамоаси эса қарши даштида қурилаётган Талимаржон ГРЭСининг асосий корпусида металл конструкцияларни монтаж қилди. Бу объектларсиз жумҳурият иқтисодиёти самарали ривожлана олмайди, ўз мустақиллигини мустаҳкамлай олмайди.

Қўпгина меҳнат жамоалари апрель ҳашари куни олинган маблағни Оролни қутқариш жамғармасига, бир марта ишлатиладиган шприцлар сотиб олишга, уй-жой қуриш, пионер лагерларини, санаторий-профилакторийлар ва истироҳат масканларини тузатиш учун тақчил қурилиш материаллари сотиб олишга сарфлашни мўлжалламоқдалар.

Ҳашарнинг умумий якунларига келганда, лўнда бир маълумотни айтиш қийин. Бироқ, одамларнинг кайфиятига қараганда, ўтган шанба эркин ва бегараз меҳнатнинг ҳақиқий байрами бўлди. Чунки одамлар ўзлари учун ишладилар.

(ЎзТАГ).

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАБ

Ўрта Чирчиқ райони меҳнаткашлари ҳашарда белни маҳкам боғлаб ишладилар. Шу куни район бўйича 63 гектар ерда янги боғ бунёд этиш ниҳоясига етказилди. 500 тупга яқин олма, олча, шафтоли, жийда ниҳоллари экилди. Бундан ташқари ҳосилга кирган дарахтларнинг тагини юмшатиш, суғориш, озиқлантириш ишлари бажарилди. Ҳашар куни сўнгги гектарларга чигит қадалди. Район пахтакорлари жорий йилда 1.493 гектар ерда деҳқончилик қилишади.

Охунбобоев номли, Ленин номли, «Коммунизм», «Ленин йўли» жамоа хўжаликларининг заршунослари чигит бир текис униб чиқишининг тадбирини кўрмоқдалар. Ҳашар куни район бўйича 15.600 сўмлик иш амалга оширилди. Тушган пул кам таъминланган оилаларга, ногиронлар шароитини яхшилашга сарф этилади.

МЕҲНАТ ШУКУҲИ

В. И. Ленин таваллудининг 121 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳашар Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли тажриба-механика экскаваторларни созлаш корхонасида ҳақиқий меҳнат байрамига айланди. 1200 ишчи фидокорона тер тўкиб, кўплаб эҳтиёт қисмлар, битта кўчма вагон ишлаб чиқарди.

— Шу куни жамоамиз 29 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади, — деди режа бўлими бошлиғи Наталья Яковлевна Цин.— Маъмурият билан келишган ҳолда корхона касаба уюшмаси ҳисобига 4.200 сўм ўтказилди.

У МУҲАМЕДОВ.

БИР ТАНУ БИР ЖОН

Ҳашар асрлардан бери давом этиб келаётган удумларимиздан бири. Инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати, бирдамлиги унда мужассам. Куни-кеча Андижон вилоятининг барча саноат корхоналарида, илм-маърифат масканларида, давлат ва жамоа хўжаликларида, қишлоқ ва шаҳарларида меҳнат байрами руҳи баралла сезилди. Катта халқ ҳашари ёшу-қарини бирдек хайрли ишларга чорлади. Бу даъват юракда, виждон ва диёнатда ихтиёрий зоҳир бўлди.

Андижон шаҳрининг ҳазрат Навоий номи билан аталувчи шоҳ кўчаси эрталабданоқ, чиннидек ярақлади. Шаҳардаги йирик саноат корхоналари — «Коммунар», машинасозлик саводлари, ёғ-экстрация комбинати, пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари умумхалқ ҳашарида уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар. Меҳнаткашларнинг асосий қисми дастгоҳлар ёнида, уруғ экилган пайкалларда, боғроғларда долзарб юмушларни бажаришди.

Андижон райони К. Маркс номли давлат хўжалиги далалари тонгданоқ меҳнаткашлар билан гавжум бўлди. 2700 нафар қишлоқ аҳли бунёдкорлик юмушларини бажарди. Шу куни касаба уюшмаси маҳсус жамғармасига 1700 сўм маблағ тушди.

— Кишиларимиздаги ҳиммат, меҳр-оқибатни кўриб қувонмай бўладими? — дейди совхоз директори Абдували Боласозов. — Одамларда ҳар қачонгидан ҳам кўтаринкилик пайдо бўлди. Ночор хонадонларга ёрдам қўллари чўзилди. Шундай умрбоқий удумларимиз ҳамиша бор бўлсин.

Дарҳақиқат, одамлардаги меҳр-оқибат нечоғлик қудратга эга ақанлигини ҳамма ҳис қилди. Меҳмоний Абдазова, Саломат буви Йўлдошева, Тўланбой ота Отахонов, Муборак ая Ниёзова, Ойшахон Рўзиева, Собиржон Фаттоев, Исмоил Холматовларга маҳсус жамғарма ҳисобидан ёрдам ажратилди.

Гўзал, Пиллакаш, Жаҳонобод, Янгитўлқин маҳаллаларининг аҳолиси кўчаларни, ариқ бўйларини, хонадонларни саранжом-саришта қилдилар.

Шу куни Мамажон Маткаримов, Назарали Тўйчиев, Эргашбой Холматов, Абдуманноп Қўчқоровлар стакчилик қилаётган бригадаларда ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш бошлаб юборилди. Далалар кўркига кўрк қўшилди. Шу куни ҳар бир киши касаба уюшмасининг маҳсус жамғармасига ўз улушини қўшди. Шаҳардаги якка буюртмалар бўйича пойабзал тикиш ва таъмирлаш фабрикаси ишчиларининг кунлик жамғармаси 3 минг сўмдан ошиб кетди. Ҳашарда тўпланган маблағ хайрли ишларга сарфланади. Халқ ҳашари меҳнат кўтаринкилиги бошланганидан, одамларда меҳр, оқибат, бир-бирига ҳурмат, эътибор кучайганидан далолат бўлди.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»-мухбири.

ҚУТ-БАРАКА САРЧАШМАСИ

ГУМБАСА ЯЙЛОВИДА

Советобод районидаги «Қарнаб» наслчилик заводининг бешинчи бўлими чорвадорлари макон қурган бу манзилга хизмат юзасидан ёки бирор турмуш эҳтиёжи билан қадам ранжида қилганларни айтмаса, бошқа одамнинг қадами етмаса керак. Кимсасиз адирлар узра унда-бунда чўпон-чўлиқларнинг капалари кўзга чалинади. Авжи баҳор кезларидагина яқин атрофларга қишлоқ ёки шаҳар аҳолисининг табиат ишқивозлари тўп-тўп бўлишиб тоққа-лола сайлига чиқишади. Табиатнинг бетакрор ранго-ранг жилоларидан баҳраманд бўлишиб, кўнгилхушлик қилишади. Бу ерлик чорвадорларнинг эса бундай пайтларда қўли-қўлига тегмайди. Баҳор юширади уларни. Тўл мавсуми бошланиб, отарларига қут-барака нма бошлаган бўлади. Она табиат бу азамат меҳнат аҳлининг кўнглига қараб, ёғин-сочиндан қисмаса бўлгани. Гумбаса яйловларида сабза урган майсалар бахмалдай ёйилган. Қўй-қўзилар маъраши тоғу тошларга файз бағишлаб, қизғин ҳаёт баёти қалбларга кечаю кундуз сурур бағишлайди. Бу ерларда дафъатан бирор мўъжизанн учратиш мушкулдай туюлса-да, ҳаёт мазмунли. Чорва кишиларининг қалбларида қувонч, кўзларн мунчоқдек қўзичоқлар ортидан юғурди юрган чўпон болаларнинг завқ-шавқини тасвирлаш қийин.

Бу мавсум атиги бир неча ой—баҳор таровати сўнгунча давом этади. Кейин яна адирлар ҳувиллаб, биров билан бировнинг иши бўлмай қолади. Офтоб жизғинак бўлиб ҳўлу қуруқни бирдай ўз исканжасига олади, баданларни тоблайди. Қирким бошланади. Баҳор неъматларидан тўйинган қўй-қўзилар эт олиб, танлари яйрайди. Чўпон халқи учун яна ташвишли дақиқалар, уйқусиз кечалар. Чўпонларнинг иши фақат қўй боқишу гўшт етиштириш, жун қирқишу қоракўл тери етказиб бериш эмас. Бошқа ташвишлар ҳам кўп. Болалар учун мактаб, меҳнат аҳлига шифо маскани, алоқа хизмати, маданий-маиший муассасалар...

Ҳукумат идоралари раҳбари қўш-қўллаб уларни кутиб олсалар яхши. Эшикма-эшик сарсон қилиб қўйсалар борми. Шунинг учун бўлса керак бу ерда раҳбарлик лавозимига унча-бунча одам бардош бермаса, ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Мардон Суяровни халқнинг ўзи саркорликка сайлаган. Янги бўлим ташкил этилдию етакчиликка унинг номзодини кўрсатишиб, туриб олишди. Кўпнинг фикри устун келди. Ҳозир Мардон аканинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшилган. Кўз тегмасин, бўлим кўрсатгичлари ёмон эмас. Ҳар юз бош совлиқдан бир юзу ўнтадан қўзи олиб, ваъдасининг устидан чиққан шоввозлар эл ишончини оқлаб келяпти. Бўлимнинг 13 минг қўй-қўзиси, 130 бошдан зиёд туяси бор. Ҳайитов Омон, Андиев Тўйчи, Эшбўтаев Ўрин, Раҳматов Баҳриддин каби бош чўпонларнинг кўрсатгичлари районда энг юқори:

Қоратоғ тизмаларининг жануб томонида жойлашган қадим Тим қишлоғидан чиқиб, ғарбга қараб юрсангиз кимсасиз чўлни қоқ ёриб илон изи каби чўзилган кенг асфальт йўлнинг икки томонидаги кимсасиз кенгликларга кўзингиз тушади. Бўлим сарҳадларига яқинлашсангиз чўлнинг қоқ ўртасидаги уч қаватли бинога нигоҳингиз қадалади. Бу —мактаб. Чўпон болалари таҳсил олади. Очиғини айтиш керак. Жуда замонавий қурилган. Хоналари кенг, ойнаванд, тоза. Ҳар қандай шаҳар мактабидан қолишмайди. Спорт майдонлари ҳам бадастир. Мардон ака илгари шу тўртинчи бўлимга бош бўлган экан. Ажойиб мактаб шу бўлимнинг марказий қўрғони жойлашган маскан бўлиб, унга ёндош бешинчи бўлим эса яқинда ташкил этилгач, аҳоли тадбиркор бу инсонни ўзларига сардор қилиб белгилаганининг боисини энди тушундик. Мардон ака билан узоқ суҳбатлашдик. Очиққасига. Миқти гавдали, зуваласи пишиқ бу кишининг юрагидаги гапни билиб олиш қийин бўлмади. Кўпни кўрган, чечан. Адабиётни жуда яхши кўрар, жумҳориятдаги ҳамма матбуот нашрларига обуна экан.

— Ёзувчиларни жуда ҳурмат қиламан. Уларга ихлосим баланд. Айримларининг бирор яхши, кўнгилга яқинроқ асарини ўқиб қолсам албатта мактуб йўллайман, — дейди у киши. — Кўнглим бир неча кун завқланиб, ишларим ҳам юришиб кетади.

Фаровонликнинг калити—меҳнат, бусиз ҳеч бир иш амалга ошмайди. Қуруқ гап билан қозон қайнатиш мумкин эмас. Шунинг учун одамларимизни меҳнатига қараб қадрлаймиз. Чорвадорнинг табиати бошқача бўлади. Уларнинг кўнглига йўл топа билган одамгина кўзлаган мақсадига эришади. Ҳозир бўлимимизда бир қанча ишларни режалаштирганмиз, аввал меҳнат аҳли учун ҳаводек зарур бўлган даволаш масканини барпо этишни ниҳоясига етказиш, йўл қурилиши, хуллас жами 330 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини анча жонлантириб юборганмиз.

Баҳор ҳавосининг изнига тушган булутлар яйловга — тепамизга келганида саховатини аямади. Шаррос қуйган ёмғир, одамни яйратди. Бир пайт отарини яйловда ёйиб юрган чўпонлар гўр-гўр этиб мотоцикларида биз қўнган капага кела бошладилар. Соқоли қўксига тушган, ёши олтмишлардан ошган отахон мотоцикли ўриндиғидан туша солиб, кўм-кўк майсалар устига чўккалади. Ёмғир унинг юз кўзлари, пахмоқ соқолини ювди. Унинг завқига халақит бермаслик учун ичкарида нафасимизни чиқармай томоша қилиб турганимизда, кимдир унга яқинлашиб нимадир деди.

— Эй меҳмонлар бор, демайсизларми?! — деганича беғубор кулиб сўраша кетди отахон. Ним қоронғу чўпон уйига ташқаридан кирган кишининг кўзи қамашади. Қария меҳмонларнинг қўлини бир-бир олди.

— Эй, Ҳикматжон, булбулим, баҳшим, ўзимнинг яхшим, бормисан-омонмисан, бу ёмғирни сен бошлаб келдингми? Қадамнинг қутлуғ келди, — деб у ҳамроҳимиз Ҳикмат бахшини қучоқлай кетди. У киши Дўсат бобо экан. Касби чўпон. Деворга суянган дўмбирани олиб, терма айта бошлади: ҳамма-мангиз ўтиринг, меҳмонлар, қадамингизга ҳасонот, бахшига дўмбира қанот...

Ўтирганлар чўпоннинг ширали овозига маҳлиё бўлди, томирларидаги қон гўё селдай кўпирди. Навбатни Ҳикмат бахши олди, овозини куйга солди. Чўпон капасида қош қорайиб, осмонни юлдузлар қоплагунича ўланлар достонга уланди.

Мардон акани кузатаман. Жилмайиб, меҳрибон нигоҳи билан ҳамкасбларининг кўнглини олиб ўтирибди. Уларга ўзидай ишонади. Яйловнинг самимий, танти одамлари. Истаб-истамайгина хайрлашдик. Дўсат буванинг завқи кападан чиққанимизда яна келди. Дўмбирани қўлига олиб, меҳмонларнинг номларини куйга солиб, хайр-хўшлади.

Улар билан омонлашиб йўлга тушдик. Юлдузлари бодраб ётган чўл осмонига қараб тўймайсан, ёмғирдан кўнглингни тоза ҳаво ювиб, ортимизга қараймиз, олис-олисларда чироқлар милтирайди. Мардон аканинг бўлимида чироқлар кўпроқдай туюлади. Улар ҳозир нима қилаётганикин? Яйлов кишилари бошқалардай тунги ором оғушига эрта ҳозирлик кўришмайди. Уларнинг ҳали бир олам ишлари бўлади. Эҳтимол, улар бизни кузатиб, яна отарнинг ортидан кетишгандир...

Ў. МИРЗАЕРОВ.

СУРАТДА: бўлим бошқарувчиси Мардон Суяров отар боқ чўпони Омон Ҳайитов билан кўзилатиш мавсуми якунлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Р. НУРИНБОЕВ олган сурат.

Чет элларда

ҚАРЗ МОЖАРОСИ

ПАРИЖ. «Совэкспортхлеб» совет ташқи савдо бирлашмаси 1990 йилдаги қарзи ҳисобидан «Суффле» гуруҳи ҳисобига 5,15 миллион доллар (тахминан 28 миллион франк) ўтказди». Матбуот учун тайёрланган бу қисқа баёнотни Франциянинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган ва ғалла сотиш билан шуғулланадиган компанияси тарқатди. Тижоратнинг нозик томонларини билмайдиган одам бу хабардан унча кўп нарсани тушуна олмайди. Бинобарин, бу баёнотдан кейин совет савдо ваколатхонасида ҳам, Франциянинг бошқа тижорат бирлашмаларида ҳам енгил нафас ола бошладилар.

Хўш, гап нимада ўзи? Ҳамма гап шундаки, «Суффле» гуруҳи тўлов қобилияти бўлмаган шерикларига нисбатан жаҳоннинг барча мамлакатларидаги ишбилармон қишилар сингари иш тутди. Ўтган йили Ватанимизнинг яккаҳоким бирлашмаси — «Экспортхлеб», афсуски у Францияга анчадан бери арзийдиган бирорта нарса юбормаяпти, французлардан 40 минг тонна ундириб янчилган буғдой ҳарид қилган эди. Тўлов муддатлари келишиб олинганига қарамай, харидор уни тўлашга шошилмасди. Ана шунда фирма харидорни судга берди. Воқеалар мантиқий равишда бир йўсинда ривожлана борди — Руан ва Дюнкер портларида турган юк ортилган совет кемалари ушлаб қолинди. Унда «Суффле» гуруҳи ҳукумат кредитлари ҳисобидан совет шерикларига сотган ғалла бор эди. «Сергей Лемешев», «Капитан Гудин», «Капитан Мешчяков» ва «Фёдор Варакасин» совет теплоходларини француз портларида бир неча кун давомида чиқаришмади.

Бу можаро француз савдосаноат доираларини жунбушга келтирди. Улар «Суффле»нинг бу хатти-ҳаракатини ҳар хил баҳоладилар. Бу воқеа француз ғалласини энг кўп миқдорда сотиб оладиган совет шерикларимизнинг биздан келажакда ғалла сотиб олишга доир қарорларига таъсир қилиши мумкин, судга мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ эди, дейишарди улар.

Ҳозир Францияда совет шерикларнинг қарзни тўлашга имконияти йўқлиги муаммоси жуда ўткир бўлиб турибди. Бу икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг аҳволига маълум даражада таъсир кўрсатади. Совет мижозларига қанчалик ҳурмат бўлмасин, Франциянинг бошқа фирмалари «Суффле»дан намуна олмасликларига кафолат йўқ.

«МАКДОНАЛЬДС» ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН. Бутун дунёда ниҳоятда кўп газакхоналар тармоғига эга бўлган Американинг «Макдональдс» корпорацияси Қўшма Штатларнинг бутун ҳудудидаги ўз маҳсулотлари чиқиндиларининг 80 фоиздан кўпроғини йўқотиш ниятида эканлигини маълум қилди. Компания раҳбариятининг гапларига қараганда, атроф муҳитни ишлаб чиқариш чиқиндилари билан булғанишидан сақлаш мақсадида шундай қарорга келинди.

Иккиламчи қайта ишловдан сўнг тайёрланган жигарранг қоғоз халталардан, ишлатиб бўлинган картон қутилардан тайёрланган қоғоз сочиқлардан фойдаланиш ҳам компаниянинг режаларига киритилган. «Макдональдс» ўзининг баъзи бошқа молларини ўраш тартибини ҳам ўзгартириш ниятидадир. Жумладан, қайта ишланганидан сўнг ўғит сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган моддалардан кофе стаканлари, пичоқлар, қошиқлар ва вилкалар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

«Макдональдс» компанияси АҚШ атроф муҳитни муҳофаза қилиш тарафдорлари чиқиндиларнинг жуда кўп уюмлари тўпланиб қолишини тўхтатишни талаб этганларидан сўнг ана шу янгиликларни киритишга мажбур бўлди. АП агентлигининг таъкидлашича, компания ҳар куни Қўшма Штатлар ҳудудида 900 килограммдан кўпроқ ахлат йиғиб қўярди.

ҚОРАДОРИФУРУШ

ВАШИНГТОН. Ассошиэйтед пресс ахборот агентлиги Кито шаҳридан хабар қилди: колумбиялик тўрт нафар собиқ роҳиба Эквадор пойтахтидаги халқаро тайёрагоҳда ўз жуббалари остида 10 килограмм кокаинни яширин тарзда олиб кетишга ҳаракат қилаётган вақтларида қамоққа олиндилар. Божхона ходимлари бу жувонларнинг ғайритабиий юришларига эътибор беришди ва уларни Мадридга жўнаб кетаётган самолётга ўтираётганларида ушладилар. Мусодара қилинган қорадориларнинг нархи 1,2 миллион доллар, деб баҳоланмоқда.

Хўш, собиқ роҳибаларни бундай гуноҳ қилишга нима мажбур этди? Улар ўз хатти-ҳаракатлари сабабларини тушунтиришар экан, ўтган йили оғир иш ва маошнинг жуда камлиги сабабли Боготадаги «Муқаддас қалб» католик жамоасини ташлаб кетганликларини айтишди. Улар Колумбия пойтахтида бир корчалон билан алоқа боғлашган, ана шу корчалон Испанияга етказиб бериладиган ҳар бир килограмм кокаин учун 6600 доллар ваъда қилган экан. Бироқ, роҳибалар Испанияга учиб кетишга муваффақ бўлишмади. Катта пул ишлаб қолишга бўлган умид тўсатдан чиппакка чиқди.

* * *

ЛОНДОН. Қорадориларга қарши курашувчи мексикалик агентлар ўтказган операция саргузашт воқеани эслатади. Операция натижасида 700 килограмм кокаин мусодара қилинди.

Рейтер ахборот агентлиги бош прокурор девонхонасида олинган маълумотларга таяниб, Мексика пойтахтидан ҳабар қилишича, Мексика осмонида «мушук-сичқон ўйини» олти соатдан кўпроқ давом этган. Ана шу вақт мобайнида қорадори билан савдо қилувчи кишилар тушган Колумбия самолётини Мексика полициясининг самолётлари изма-из таъқиб қилиб борди. Охир оқибатда қорадорифурушлар қўлга мажбур бўлишди. Улар охирги дақиқаларда яширинишга муваффақ бўлдилар. Лекин кўп миқдордаги қорадорини бой бердилар.

«КАНАДАЛИК АЁЛГА УЙЛАНАМАН»

ОТТАВА. Воркуталик 34 ёшли Николай Скафару канадалик аёлга уйланишни хоҳлаяпти. У узоқ мамлакатдаги қандайдир бир аёлга эмас, балки канадаликка уйланмоқчи. Николай Оттава ҳокими номига ёзган хатида шуни хабар қилди. Унда, жумладан: «Менга нозик масалада — Канадада эллик ёшга етмаган аёлни топиб, менинг унга уйланишимда ёрдам беришингизни сўрайман», дейилади. Хат ичига шунингдек Николайнинг никита сурати ҳам қўйилган экан. Бу хат маҳаллий журналистлар қўлига тушиб қолди ва 12 апрель куни мўйнақалпоқ билан қўй териси ёқали поча пўстин қийган Николайнинг суврати енгил-елпи хабарларга учадиган муштарийларга мўлжалланган «Оттава сан» рўзномасининг биринчи саҳифасида «Канадалик хотин керак» деган катта сарлавҳа остида берилди.

Николай Скафару хатда ўзини «маданиятли, ичмайдиган, чекмайдиган, ҳеч қачон уйланмаган бўйдоқ» сифатида тавсифлайди.

У бундай фазилатли киши олдига унчалик қаттиқ талаб қўймайди: унинг (бўлажак хотинининг) бўйи, касби, миллати ёки ирқи мен учун аҳамиятга эга эмас». Фарзандлари бўлса ҳам уни хотин қилишга тайёрман. Яхши ота бўлишга ваъда бераман, деб ёзади у ўз хатида.

— Бундай хатларни тез-тез олиб турасизми? — сўради ТАСС мухбири шаҳар ҳокимининг ахборот масалалари бўйича ёрдамчиси Люси Котедан.

— Бундай хатлар тез-тез келиб туради, — деди у. — Бизга Совет Иттифоқидан, менимча Украинадан хат келганди. Унда ҳам суврат бор эди. Хат муаллифи 50 ёшдан ошган экан.

— Николайнинг хатини нима қиласиз?

— Биз унга ҳамма вақт бундай ҳолатларда бўладигандек жавоб берамиз. Шаҳар ҳокимининг бундай ишлар билан шуғулланиши унинг ҳизмат вазифасига кирмаслигини айтамиз. У рўзномаларга ёки никоҳ шўъбасига мурожаат қилиши керак. Очиғини айтганда, бу воқеага матбуот шу қадар қизиқиб қарашини қутмаган эдим. Мен хатнинг ичига рўзнома қирқимларини солиб жўнатаман. Уйлайманки, рўзномаларнинг унга бу қадар эътибор бериши ҳақоратли туюлмаса керак.

Л. Коте энди шаҳар ҳокимига бундай хатлар ёғилиб кетишидан ва «ҳоким қароргоҳи никоҳ шўъбасига айланиб кетишидан» ташвишга тушмоқда.

Николай Скафаруга келганда эса, ани шу қадар Канадада машҳур қилиш натижасида канадали аёллар орасида узоқ юртдаги нотаниш киши билан таниши, бахтини синаб кўрадиганлар топилиб қолса, ажаб эмас.

ҲАР СОҲАДА ИЗДОШИНГ БЎЛСИН

— Бир йил кўчат ўтказган, ўн йил ҳосилини ейди, — дейди суҳбатдошим янгитдан бунёд қилинган боғдан кўзини узмай. У мамнунлик билан гапида давом этади. — Ота-боболаримиз баҳор келиши билан ариқ ва йўл бўйларига, шаҳсий томорқаларига мевали дарахт кўчатлари ўтказишни канда қилмаган. Ёшларга инҳол пайвандлаш сирларини ўргатишган. Ҳозирга келиб, катта-катта қишлоқларда кўчат пайвандлашни биладиган тўрт-беш кишини учратасиз, холос. Ёш-яланглар эса боғдорчиликнинг бу санъатидан бехабар. Баъзан йўл ёқаларида, томорқаларда шохлари синиб ётган ёш шафқатсизларча кесиб ташланган дарахтларни кўриб, юрагингизга оғриқ киради.

А. Мамажоновнинг куйинганича бор. Дарҳақиқат кейинги йилларда боғбонлик этагини тутаётган кишилар камайиб кетди. Борлари ҳам кекса ёшдагилар. Бенхтиёр ўйланиб қоласан, киши. Аҳолининг сархил мева маҳсулотларига талаби кун сайин ошиб бораяпти. Айрим турдаги дарахтлар камёблашувининг олдини олиш мумкинми? Албатта. Бунинг учун хўжаликлардаги боғдорчилик бригадалари сонини кўпайтириш, мураббийлик ҳаракатини йўлга қўйиш, аҳоли эҳтиёжи ошган мева маҳсулотларини кўплаб етиштириш зарур.

Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалиги боғбонлари кейинги йилларда бу муҳим ишга етарли эътибор беришаяпти. Колхознинг А. Мамажонов бошлиқ агроучасткаси деҳқонлари амалдаги йилнинг ўзида йўл ва ариқ бўйларига беш минг тупдан зиёд мевали, манзарали дарахт кўчатларини ўтказишди. Шунингдек, пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига 24 гектарлик боғ барпо этилди. Айни дамда янгитдан ўтказилган кўчатлар меҳр билан парваришланяпти. Қатор ораларига ишлов бериш ва озиқлантириш уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Меҳнат жамоасининг тажрибали боғбонлари Аҳмадали Усмонов, Носиржон Мамадалиевлар ҳузурида тез-тез ёшларни учратиш мумкин. Улар боғдорчиликка иштиёқманд ўсмирларга касб сирларини ўргатишаяпти.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

БОҒЛАРИНГДАН ЎРГИЛАЙ, ЮРТИМ

Қуёшли ўлкамиз бошқа жумҳуриятлардан ўзига хос ғўзаллигию болтомар боғроғлари билан фарқ қилади. Юртимизни яшилликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Боғлар туфайли қишлоқлар, қўчалардан тортиб дастурхонимизгача ғўзал ва тўкиндир.

Фарғона райони меҳнаткашлари ҳам азалдан боғроғга кўнгил қўйишган. Виноятдан етишиб чиққан Усмон Юсупов эллигинчи йиллардаёқ боғлар яратиш масаласида халққа мурожаат қилганди. Айниқса Улуғ Ватан уруши даврида унинг ташаббуси билан юборилган мева-чевалар жангчилар жонига оро кирди. Зеро, ўша даврларда бундай маҳсулотлар сероб бўлганини алоҳида таъкидлаш керак. Бироқ бу тўкинлик узоққа бормади.

Етмишинчи йилларда айни мевага кирган боғ-роғлар «юқори»нинг буйруғи билан йўқотилди. Боғлар ўрнига чигит қадалди. Ўрик, олма, шафтоли дарахтлари кесилиб, ерлар кенгайтирилди. Райондаги Каптархона, Водил, Чимён, Миндон ва бошқа қишлоқлардаги боғларни кексаларимиз ҳали-хануз ёдга олишади. Бироқ халқимиз ўз севган машғулотини тарк этмади. Кўп ўтмай яна боғ-роғлар яратишга бел боғланди.

Гагаринобод қишлоғи водий хуснига ҳолдек тушган. Мева-чеванинг қайси бир туридан десангиз, шу ердан топилади. Қишлоқ чегарасига туташган Хонқиз боғи... Уни кўпинча «Ғалабанинг 30 йиллиги боғи», деб аташади. Чунки бу ерга Улуғ Ватан уруши жангларида ҳалок бўлган 374 нафар хонқизлик ва қўрғонтепалик ҳамқишлоқлар хотираси учун ҳар бирига биттадан кўчат ўтқазилган.

1975 йилда барпо этилган мазкур боғнинг бугунги жамоли кўпчиликни қувонтиради. Хонқизликларнинг шаҳид бўлган юртдошларига муносабати чиндан ҳам мақтовга лойиқ. Бир пайтлар Чимён посёлка Шўроси билан Хонқиз қишлоғи орасидаги уч километрлик масофанинг икки ёни қир-адирдан иборат эди. 1987 йили йўл чети текисланиб, ўзлаштирилди, ариқ қазилиб, турли хил кўчатлар ўтқазилди. Бугунги манзарани кўрган кишининг беихтиёр Ильич номли жамоа хўжалиги аъзоларига раҳмат айтгиси келади.

Чимён бройлер парранда-чилик фабрикаси қип-қизил дашт устига қурилганди. Кичик шаҳарчанинг тўрт томони яқин-яқингача қир-адирдан иборат эди. Ҳозирги ҳолати эса томоман бошқача. Фабрика атрофи довдарахтлар билан қопланган. Йўлнинг қуёшботар томонида эса катта боғ бунёд этилди. Одамлар уни «Ҳалим боғ» деб аташади. Чунки, унинг яратилишига Карл Маркс номли колхоз бошқаруви раиси, кекса боғбон Ҳалимбой Мирзаев бош-қош бўлган.

Миндон, Чимён қишлоқларининг одамлари ҳам боғ шайдоси. Бу ердаги қай бир хонадонга кирманг, нигоҳингиз аввало ўрик, олма, гилос, беҳи сингари мева дарахтларига тушади. Бундан йигирма йил илгари Миндондан Водил қишлоғи томонга кетадиган йўлни теракзор деб аташарди.

— Теракларнинг шамол бўлгандаги шилдираши бизни сергаклантирса, уларнинг адл қомати кўзимизни қувонтирарди, — дейди водилик уруш ва фирқа фахрийси Ғанижон Умаралиев. — Уларнинг фойдасини айтиб ўтирмайман. Аммо армонидан сўзлагим келади. Етмишинчи йилларда бир ҳафтага қолдирмасдан уларни кесиб ташлашди. Юқоридан буйруқ келганмиш. Эмишки, тераклар офтобни тўсиб, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсишига халақит берармиш.

Ҳа, ана шундай калтафаҳмлик, бемаъни буйруқлар кўп бўлганди. Ер чекасидаги дарахтларни кесиб жувонмарг этиш водилликлар учун қимматга тушди. Кексаларимиз ҳанузгача ўша кунларни изтироб билан ёдга оладилар.

Тўғри, пахта бизнинг бойлигимиз. Уни ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин пахта дея дастурхонимиз кўрки, ризқ-рўзимиз манбаи, саломатлигимиз маҳсулидан воз кечишимиз шартмиди?!

Водилда бўлган катта бир йиғилиш сира ёдимдан чиқмайди. Ўшанда қатнашчилардан бири Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда ўрик дарахтига қирғин келганини афсус билан таъкидлаганди,

Каптархоналик меҳнат фахрийси, тўқсон уч ёшли Эргашбой ота Умидов шундай эслайди: «Қирқ-эллигинчи йиллар эди ўшанда. Усмон ота Юсупов тез-тез Каптархонага келиб, одамлар билан суҳбатлашар, боғроғ барпо этиш ҳақида куйиниб гапирарди. Шу-шу боғлар барпо этишга киришилди. Лекин етмишинчи йилларга келиб яна боғларга ҳужум бошланди. Табиат инъомларига кўр-кўрона муносабатда бўлинди. Ҳалиҳали ўша боғларни, жийдазорларни эслासанг юракларинг ачишади...

Бугунгача ҳам райондаги боғдорчиликнинг имкониятлари, истиқболи тўлиқ очилмаган. Бу соҳада ички имкониятлар ҳаракатга келтирилмаяпти.

Аслида бунга ўзимиз айбдормиз. Ҳозир районда мева берадиган 1509 гектар боғ ва 509 гектар токзор бор. Ўтган йилнинг ўзида 230 гектар боғ ва 12 гектар токзор янгитдан барпо этилдики, бундан қувонмоқ керак. Бу йилги ҳаракат янада хайрли. 520 гектар боғ ва 9 гектар токзор барпо этиш кўзда тутилаяпти.

...Водилдан қайтаяпманми ўйга толаман. Элнинг яна бир армони — боғ-роғлари бағрига қайтаётганидан қувонаман. Автобус ойнаси ортида яна боғлар кўринади. Ўриклар, олма ва гилослар маъсум қўшиқ куйлаётгандек туюлади. Беихтиёр боғу роғлар, мевазорларнинг қутбаракаси деҳқон дардини енгиллатсин дегим келади.

С. ДАДАХЎЖАЕВ.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

● ВЛАДИКАВКАЗ. РСФСР Коммунистик партияси Шимолий Осетия жумҳуриятқомитетининг ижтимоий-сиёсий илмгоҳида В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма очилди. Унга Шимолий Осетияда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарихий манбаларни тўплаш билан жумҳуриятда таниқли бўлган С. Чарскийдан олинган ҳужжатлар ҳамда суратлар қўйилган.

● ХАРЬКОВ. Бу ерда Украина маданий-маърифий ходимларининг фавқулодда съезди ўз ишини тугатди. «Қолдиқ» принципи асосида иш олиб бораётган ҳдоравий маданиятнинг аянчли аҳволи делегатларнинг диққат марказида бўлди. Завод маданият саройлари, касаба уюшмаларига қарашли кутубхоналар, қишлоқ клубларининг ходимлари шу анжуманни ўтказиш ташаббускори бўлдилар.

● ИРКУТСК. Сибирдаги бу шаҳарда Германиянинг Иго фирмаси билан танишиш маросими ўтказилди. Фирма таклиф этган ёғочни қайта ишлайдиган, гулқоғоз, линолеум, ғишт тайёрлайдиган технология линиялари Иркутск корхоналарини қизиқтириб қолди.

● ЛЕНИНГРАД. Эрмитаж театрининг камер оркестри Испанияга баҳорги ижодий сафарга жўнаб кетди. Жамоага унинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри СССР халқ артисти С. Сондецкис раҳбарлик қилмоқда. Янги сафар программасининг асосини Ватанимиз классикаси — Чайковский, Рахманинов, Шостакович асарлари ташкил этади.

ЯНГИ ШИРКАТ ИШ БОШЛАДИ

Шеробод районидаги Оқтош туз конидан узоқ бўлмаган жойда чорва молларида учрайдиган гелминтоз касаллигини олдини олиш мақсадида фенотиазин, мис сульфат, ош тузларидан иборат аралашма тайёрлайдиган цех фойдаланишга топширилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳи паразитология ва гелминтология кафедраси қошидаги ширкат хомийлигида фаолият юритаётган янги бўлинма нафақат Сурхондарё вилояти хўжаликларини, балки жумҳуриятимиз колхоз ва совхозларини ҳам ана шундай керакли доривор билан таъминлаш имкониятига эга.

Исмоил Абдузоиров бошчилигида меҳнат қилаётган тўрт киши бир кунда РС—5А агрегати ёрдамида 4 тоннагача хосиятли дориворни тайёрлашмоқда. У қорамолларни, қўй-эчкиларни зарарли қуртлардан халос қилади. Хўш, шундай цех нима учун айнан туз кони ёнида қурилди?

— Бундай дориворни тайёрлашда асосий хом ашё ош тузи ҳисобланади, — дейди янги ширкат бошлиғи, ветеринария фанлари номзоди Эркин Узоқов. — Гижжа касаллигига қарши ишлатиладиган дорилар кейинги пайтда кескин камайди. Сабаби тузни мамлакатимизнинг олис ҳудудидан ташиб келтириш қимматга тушарди. Масалан, бир тонна фенотиазин, мис сульфат тузлари аралашмасини тайёрлаш учун 890 килограмм тоза ош тузи ишлатилади. Жумҳуриятимизда Оқтошдек ажойиб кон бўла туриб, бошқа жойлардан хом ашёни катта маблағ сарфлаб келтирардик. Бундай аралашманинг ҳар тоннасини ортиш, юклаш, ижара ва ойлик маош билан қўшиб ҳисоблаганда 365 сўм 75 тийинга тайёрлашимиз, хўжаликларда 457 сўм 19 тийиндан сотишимиз мумкин. Ҳар бош қўй саккиз ой давомида бир сўмлик дори истеъмол қилса, гижжа касаллигидан ҳалос бўлади. Жуни 600 граммга, қўйнинг тирик вазни 3—4 килограммга ортади.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: янги ширкатдаги ишлаб чиқарилган жараёнлар.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ЖАБҲАСИ

ОЛҚИШГА САЗОВОР

«Коммунизм» жамоа хўжалигининг (Наманган райони) қишлоқ меҳнат аҳли Абдулҳамид Йўлдошев номини ҳурмат билан тилга олади.

— Почтачилик касбимдан фахрланаман, — дейди А. Йўлдошев. — Ўн беш йилдан бери хушхабарлар, рўзномалар, жаридалар, мактуб-у телеграммаларни ўз эгаларига вақтида етказиб берётирман. Беминнат хизматим тақдирланаяпти. Бир неча бор эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар олдим. Энг муҳими, элга қувонч улашаётганимдан мамнунман...

Ишчан алоқа ходими қишлоқдаги 240 хонадонга хизмат кўрсатаётир. Унинг ҳар бир ташрифини қувонч билан кутиб олишади.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

ХУШНУД ЭТИШМОҚДА

Қашқадарё вилояти маданият бошқармасига қарашли С. Мамадалиев номли қишлоқ дорбозлар бир неча кун мобайнида деновлик меҳнаткашларни хушнуд этдилар. Томошабинларда дор устидаги ўйинлар яхши таассурот қолдирди. Полвонлар эса тош кўтариш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар. М. Азизова ва М. Ортиқовнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Коннмех районидаги (Бухоро вилояти) 79-ҳунар-техника билим юртида «Даврага кел, дугонажон!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Уни тайёрлаш ва ўтказишда билимгоҳ комсомол кўмитаси котиби Бахтигул Худойбердиеванинг хизмати катта бўлди. Қизлар кўрик давомида миллий урф-одатлар, қайта тикланаётган қадриятларимиз хусусидаги саволларга жавоб бердилар. Дастурхон тузаш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ҳайъат аъзолари Зулфия Шоҳназарова, Дилфуза Шердуллаева, Сарсенгул Жарилқосимовани ғолиб деб топишди. Улар район комсомол қўмитасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

М. АДИЗОВА.

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

Фарғона вилоятн Киров районидаги «Москва» жамоа хўжалигининг Аҳмадали Мажидов бошлиқ бригадаси соҳибкорлари 10 гектар янги боғ бунёд этиш ниятида кўчат ўтказишни уюшқоқлик билан якунладилар.

Айни пайтда 1.250 тупдан знёд ўрик, шафтоли, олма, гилос кўчатлари яхши ривожланаяпти. Парвариш ишларида Қўшоқбой Ҳайитов, Йўдошали Адазов, Шавкат Қурбонов, Машрабжон Шокиров, Облаберди Йўлчиев каби соҳибкорлар ғайрат-шижоат кўрсатишди.

А. УЗОҚОВ.

ТИРАСПОЛДАН АНДИЖОНГА

Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси Тирасполь шаҳридан қўшимча агрегат сотиб олди.

Келгусида унинг ёрдамида миллий пойабзал—калиш ишлаб чиқариш кўзда тутилаётир. Бирлашмада Италиядан келтирилган аёллар оёқ кийимини тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилди. Яқин орада бундай пойабзалдан 40 минг жуфти ишлаб чиқарилади.

Ш. КЕЛДИЕВ.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ХОТИРАСИГА

Урганч районидаги Калинин номли ўрта мактаб хиёбонига Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилалчи жангчи Зокир Аллашев номи берилди.

Эндиликда З. Аллашев ўқиган мазкур мактаб хиёбонида ўқувчиларни пионер ва комсомолга қабул қилиш маросими, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ш. ЖУМАНИЁЗОВ.

А. Раҳимов ўн йилдан бери ўзбек миллий мусиқа анжомларини тайёрлаш билан шуғулланиб келади. Ҳозирда у Қарши нефть маҳсулотлари корхонасида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Болалигидан санъатга қизиқиш катта эди. У хилма-хил мусиқа асбобларида куй чалиб, қўшиқ айта олади. Ишдан бўш пайтларн тор, рубоб ясаш Адҳамжонга завқ-шавқ бағишлайди.

Яқинда у Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига ғижжакка ўхшаш соз ясаб, унга «Наво» деб ном берди. У бу ишни ниҳоясига етказиш учун сурункасига бир неча йил меҳнат қилди. Энг қувонарлиси, мутахассислар устанинг янги созини юқори баҳолашди.

СУРАТДА: Адҳам Раҳимов ўз устахонасида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзТАГ).

НУРОНИЙЛАР ИЗЗАТДА

Қува районидаги «Москва» жамоа хўжалигида тантанали вазиятда қишлоқ уруш ва меҳнат фахрийлари уйи очилди. Хўжалик уни бунёд этиш учун саксон минг сўм сарфлади. Энди қишлоқ оқсоқолларининг учрашиб, долзарб муаммолар тўғрисида суҳбатлашадиган шинам жойлари бор. Куйбишев қишлоқ Советининг ёнида қад кўтарган янги чиройли бинода уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгаши, шон-шуҳрат музейи жойлашди. Бу музейда машҳур юртдошларимиз — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари М. Умурдинов, М. Ҳасанов, Ф. И. Матвеев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳ. Эрматов, И. Қамбаров, Ю. Мартмусаевлар ҳаёти ва жасоратлари тўғрисидаги ҳужжатлар сақланмоқда. Музейдан байналмилалчи жангчилар тақдири тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар ҳам ўрин олган. Фахрийлар уйининг ёнгинасида чойхона билан ошхона бор.

БАХТ УЙИ

Бухорода никоҳ уйи очилди. Саноат безакчилари ҳам, бинокорлар ҳам уни кўнгилдагидек безатишга ҳаракат қилдилар. Унинг ёнида жойлашган «Бухорои шариф» чойхонаси ҳам ундан қолишмайди. Чойхона тўй маросимлари ва бошқа тантаналарни ўтказишга мўлжалланган. Бу ерда бинони чиройли қилиб безаш, мазали таомлар тайёрлаш ҳақидагина қайғуришмади, айни вақтда чойхонада мазза қилиб ҳордиқ чиқариш мумкин.

Ҳодиса

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

«Тез ёрдам» машинаси Бухоро юқумли касалликлар касалхонасининг реанимация бўлимига икки болани олиб келди. Булар ака-сингиллар — тўрт ёшли Фарруҳ билан икки ярим ёшли Ғулруҳ эди. Иккови ҳам оғир аҳволда келтирилди. Қоринларидаги кучли оғриқ туфайли болалар ҳушдан кета бошлашди, малакали мутахассисларнинг шошилинч ёрдам кўрсатишларига қарамай, Ғулруҳнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Фарруҳнинг саломатлиги яхшилана бошлади.

Бу ҳодисани Бухоро шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош шифокорининг ўринбосари Ҳусан Сафаров шарҳлаб берди:

— Қон таркиби текширилганда организм дори истеъмол қилиш натижасида заҳарланганлиги маълум бўлди. Қаровсиз қолган болалар феррицирон препаратининг 49 та таблеткасини ейишибди. Бу — болаларни ҳалок этадиган даражада кўп. Агар дори уларнинг қўли етмайдиган жойда турганида, эҳтимол, бундай бахтсизлик юз бермасди.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир
Н. ЕҚУБОВ.

ДИҚҚАТ!
ЮҚОРИ БОСИМЛИ КАТТА ГАЗ ҚУВУРИ!

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ҳудудидан қуйидаги магистраль газ қувурлари ўтган:

Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент (тармоқлари билан);

Бухоро-Газли райони — Тошкент-Бишкек-Олмаота;

Газли-Чимкент;
Урсатьевская-Фарғона (тармоқлари билан);
Келиф-Душанбе;

кам олтингугуртли газли Шўртан-Сирдарё ГРЭСи-Тошкент ГРЭСи ва Муборак-Навоий газ қувурлари.

Газ қувури ва унинг иншоотлари (кранлар, тўсқичлар, ифода белгилари, катод станциялари ва ҳоказолар)га эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Эсингизда бўлсин, газ қувури — портлаш ва ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган кучли хавф манбаи бўлиб, муҳофаза минтақасида ишларни олиб бориш қоидаларига риоя қилиш — Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.

Газ қувурларидан бехатар фойдаланишни таъминлаш мақсадида СНИП 2.05.06—85 га мувофиқ қуйидагича хавфли минтақалар белгиланган:

Кам олтингугуртли газли газ қувурлари учун — газ қувурининг ҳар икки томонида 500 метрдан;

бошқа газ қувурлари учун — газ қувурининг ҳар икки томонида 250 метрдан.

Одамлар қурбон бўлиши ва моддий зарар кўрилишининг олдини олиш мақсадида газ қувурининг хавфли минтақасида;

бирон-бир иморатларни қуриш;

дала шийпонлар, хирмонлар, ёнилги қуйиш пунктларини жойлаштириш;

моллар учун қўралар ва сувлоқлар барпо этиш;

Силос бостириладиган чуқур қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш учун майдончаларни вужудга келтириш;

қум ва бошқа карьерларни бунёд қилиш, ахлат уюмларини тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ёқиш;

одамлар, техника, молларнинг тўпланишига йўл қўйиш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Газ қувурининг муҳофаза минтақасида қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-монтаж ишларини фақат «Ўзбектрансгаз» магистрал газ қувурлари бошқармаси билан келишилганидан кейингина олиб бориш мумкин.

Газ қувурининг хавфли минтақасида қурилган бинолар ва иншоотлар бузиб ташланади.

Ана шу газ қувурларидан фойдаланувчи корхоналар (ташкилот)ни экин экиш ва ҳосил йиғим-терими кампанияси бошланганлиги тўғрисида олдиндан огоҳлантирилгандан сўнггина ердан фойдаланувчилар газ қувурларининг муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги, дала ишларини бажаришлари мумкин.

Газ қувурларининг муҳофаза минтақаларида жойлашган суғориладиган ерда бажарилиши керак бўлган, ерларни вақтинча сув босиши билан боғлиқ ишлар ердан фойдаланувчилар ва газ қувуридан фойдаланувчи корхона (ташкилот)лар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади.

Магистраль газ қувурлари ва улар бўйлаб ўтган электр узатиш линиялари жойлашган минтақалардаги янги ерларни режалаштириш ва ўзлаштириш, йўллар қуриш, кабель ётқизиш, сув қувурлари, бошқа ер ости, ер усти ва ердаги коммуникацияларни ўтказиш фақат «Ўзбектрансгаз» магистраль газ қувурлари бошқармаси томонидан берилган техникавий шартлар асосида ва ана шу бошқарма билан келишилган ҳолда бажарилиши шарт.

«Ўзбектрансгаз» манзили: Тошкент ГСП, Педагогика кўчаси, 31«а» уй, телефон 56-38-07.

Газ қувурлари ва электр узатиш линиялари ўтган жойлардаги хавфли минтақада ўзбошимчалик билан қурилиш ва ер ишларини олиб бориш авариялар, бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши ҳамда моддий знён ва бошқа жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Катта газ қувурлари яқинида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

«ЎЗБЕКТРАНСГАЗ» МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Сўраган эдингиз

ПОЛВОНЛАР САРАСИ

«Ҳурматли таҳририят! Маълумки, жумҳуриятимиздан кўплаб номдор полвонлар етишиб чиққан. Уларнинг аксарияти нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсидаги беллашувларда ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медаллар билан тақдирланишган. Шулардан бири бухоролик Европа ва жаҳон чемпиони Собир Қурбоновнинг шу кунлардаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берсангиз.

Бахтиёр РАИМОВ.
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Тўрткўл райони».

Собир билан бир неча бор учрашганман. Айниқса, Бухоро «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорти жамияти раиси бўлиб ишлаган йиллари тез-тез мулоқотда бўлиб турардик. Ўшанда у фақат муаммоларга тўхталар, қишлоқ спортини оммавийлаштириш учун давлат ва жамоа хўжаликларида шароит йўқлиги, бўлса ҳам мутасадди ўртоқлар жиддий эътибор бермасликлари ҳақида қуйиниб гапирарди.

Ҳа, самбо бўйича Европа, жаҳон чемпиони, СССР халқлари VI спартакиадаси ғолиби С. Қурбонов ўзига ва бошқаларга талабчан бўлиши билан ажралиб туради. У мамлакат терма жамоасидан ўрин олган йилларида ҳар бир беллашувни муддатидан олдин якунлашга ҳаракат қилар, бу ниятига эришарди ҳам. Шу боис мутахассислар томонидан «Бухоро танки» деб ном олган Собир турли миқёсдаги мусобақаларда 36 маротаба ғолиб чиқди.

С. Қурбонов илк устозлик фаолиятини 1971—1976 йилларда, СССР терма командасига қатнашиб юрган пайтларида бошлади. Дастлаб Бухоро вилоят терма жамоасига бош мураббий бўлди. Ўшанда у эркин курашни оммавийлаштириш борасида тинимсиз изланиш билан бирга Бухоро педагогига илмгоҳининг физика-математика, сўнгра жисмоний тарбия куллиётини тугаллади. Кейинчалик вилоят олий спорт маҳорати мактабида беш йил директорлик қилди. Айни чоғда юқорида таъкидлаганимиздек вилоят «Пахтакор» ташкилотида раис бўлиб ишлади. 1987 йилдан бошлаб «Динамо» спорт жамиятида устозлик қилмоқда.

Полвонлар сардори ўз фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозир уларнинг сони 30 нафардан ошади. Барчаси спорт усталаридир.

— Кейинги йилларда Бухорода номдор полвонлар тажрибасини оммавийлаштиришга эътибор сусайиб кетди, — дейди Собир Қурбонов. — Зеро мен илк беллашувларни эркин курашдан бошлаб бир неча бор Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари биринчилигида ғолиб чиққанман. Афсуски, бугунги кунда вилоятимизда курашнинг бу тури кўнгилдагидек эмас. Вакилларимиз ўтган йили ўтказилган Ўзбекистон XXI спартакиадасида (олти жамоа ўртасида) охирги ўринни олганини қандай изоҳлаш мумкин? Менимча, Бухоро полвонлари шуҳратини тиклаш вақти аллақачон етган. Вилоят спорти раҳбарлари бу борада жон қуйиришлари зарур. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Қурбоновлар оиласи Бухоро районидаги «Маданият» жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Собирнинг укалари унинг изидан бормоқдалар. Улар ҳам спорт усталари бўлиб етишишди. Собиқ Европа ва жаҳон чемпиони меҳрибон ота ҳамдир. Унинг тўрт фарзанди бор. Акобир бу йил ўн беш, Ҳилола ўн уч, Гулбаҳор саккиз, Жаҳонгир эса етти ёшга тўлади.

Ота изидан бораётган Акобирнинг нияти келажакда машҳур полвон бўлиб етишишдир. Шунинг учун у ўқишдан бўш пайтлари самбо бўйича маҳоратини оширмоқда. Жаҳонгир эса «қўл жанги»ни (каратэ) ёқтириб қолган. Ҳозир у ҳам машқларга зўр бераётир.

Ойлар, йиллар ўтар. Ажаб эмаски, Қурбоновлар оиласида яна Европа, жаҳон чемпионлари етишиб чиқса.

Полвонлар сардори ўзи тўгилиб ўсган жамоа хўжалигига ҳам тез-тез ташриф буюриб, ёш полвонлар билан машғулотлар ўтказиб туришни канда қилмаётир.

Ф. ИСАЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. С. Қурбонов ёш курашчилар билан. 2. Машғулот пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ойнаи жаҳонда

24 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА

ЕШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.15 «Ёшлар — жамиятимиз келажаги». Кинопрограмма.
9.00 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
9.50 Тўра Сулаймон. «Сайёралар нотинч...».
10.15 Такрорий фильмлар экрани. «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Топишмоқлар куни», «Хоҳ ишон, хоҳ ишонма». Мультфильмлар.
18.35 «Шеърият дафтаридан».
19.00 «Яхшидан боғ қолади».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўзбек атамашунослик муаммолари».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Ёшлик оқшоми». Ёшларнинг халқаро бирдамлик кунига бағишланади.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари».
22.35 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар» кўрсатуви.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 Гитара тароналари.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳризоданинг саволлари».
22.15 «Катта йўл бошида». Бадиий фильм. 3-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Ишчан чопар.
8.50 Мультфильмлар.
9.15 «Чемпионлар билан биргаликда».
9.30 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Свердловск киностудияси, 1991 й.).
10.45 «Болалар мусиқий клуби».
11.30 ТСН.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Қумликдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси, 1984 й.).
15.50 «Қизиқувчилар олами».
16.05 «Мусиқий хазина».
16.40 «Биринчи номерли цех». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ҳақида (Уфа).
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 ТСН.
18.15 «XXI аср — халқаро оилавий туризмнинг юз йиллиги».
19.15 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.30 «Время».
21.15 «Қалбим, отлан...». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.55 «Тамбов хазинабони». Фильм-концерт.
22.40 «Телескоп».
23.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Ярим финал. «Марсель» (Франция) — «Спартак» (Москва). Франциядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Мнемозинани излаб», «Овозлар». Телевизион фильмлар.
8.35, 9.35 Физика. 9-синф. Техника ижодиёти тўгарагида нималар қилинди?
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Мусиқа. 5-синф. И. Ф. Стравинский. «Петрушка».
11.05 «Санъат календари».

*

12.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. АҚШ — СССР терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.

* * *

16.15 «Хулқ-атвор». Ахлоқ этикаси.
17.00 «Арафада». Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юзага келаётган экологик муаммолар ҳақида. «Экология. Жамият. Инсон» туркумидан.
18.20 Коллаж.
18.25 Россиянинг парламент хабарномаси.
18.40 Г. Свиридов. А. С. Пушкиннинг «Бўрон» қиссасига ёзилган мусиқий манзаралардан кичик триптих.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 Г. Свиридов. «С. Есенин хотирасига поэма».
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.
22.15 «Йигитларнинг гули». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Мосфильм», 1986 й.).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.